

32. Буюртмачи кетма-кет уч марта мазкур Шартноманинг 11-бандида кўрсатилган тўловни белгиланган муддатда тўламаса, Ижрочи мазкур шартномани Буюртмачини ёзма равишда огоҳлантирган ҳолда бир томонлама бекор қилишга ҳақли.

33. Ижрочи кетма-кет уч марта пост ва патрул йўналишларида қўриқлаш тартибини бузса, Буюртмачи мазкур шартномани Ижрочини ёзма равишда огоҳлантирган ҳолда бир томонлама бекор қилишга ҳақли.

34. Томонлар мазкур Шартномани муддатидан олдин бекор қилиш тўғрисида 30 кун олдин ёзма равишда маълум қиласди. Ушбу ҳамда 30 бандлар бузилган тақдирда, Буюртмачи Ижрочига Шартнома асосида ишга қабул қилинган ходимлар учун Ўзбекистон Республикаси Мехнат Кодекси тартибида **1(бир) ойлик пулик компенсациясини** тўлаб беришини ўз зиммасига олади.

35. Объектнинг хусусиятидан келиб чиқиб, Томонлар мазкур Шартномага қонун хужжатларига мувофиқ хуқуқ ва мажбуриятларини назарда тутувчи қўшимча бандлар киритишлари мумкин.

36. Ушбу шартнома кучга киргандан сўнг 2021 йил 8 январь кунидаги 112-сонли шартнома ўз кучини йўқотади.

9-боб. Томонларнинг юридик манзиллари ва реквизитлари

«ИЖРОЧИ»

Ўз.Р Миллий гвардияси КББ

Тошкент вилояти Қўриқлаш бошкармаси
Қиброй тумани, Салар кўргони, Зиёкорлар-1
кўчаси, 50-үй.

X/r 21596000900189870001, ИНН 200524244,
ОКЭД84240, МФО 00025

Ўз.Р Марказий Банки Тошкент вилояти
БХККМ

Бошкарма бошлиғи

М.М.Мирзабеков



«БУЮРТМАЧИ»

Ўзбекистон Республикаси Суд-тибий
экспертиза цимий амалий маркази
Тошкент вилояти филиали

RESPUBLIKA SUD-TIBBIY-EKSPERTIZA FEDERASI
ILMIY-AMALIY MARKAZI TOSHKENT VILOYATI FILIALI
Toshkent viloyati, Olibraj tumani, Alahembobi ko'chasi
Ш/х: 100021860272487074920054001
ИНН: 202347676 ОКОНХ: 91540
Банк: ХККМ №Б Тошкент ўз.ББ МФО: 00014
Тошкент вилояти буйича газнавчилик бошкармаси
X/r: 23402000300100001010 ИНН: 201122919
тел: 265-96-46 факс: 205-96-46

Филиал директори

Ф.Б.Шодиев



С.А.Эмбиров.

23. Мазкур Шартномада кўрсатилган мажбуриятларни лозим даражада бажармаганлик учун белгиланган неустойка (жарима, пеня) тўлаш ҳамда заарни қоплаш Томонларни Шартномада кўрсатилган мажбуриятларини бажаришдан озод этмайди.

6-боб. Низоларни ҳал қилиш тартиби

24. Мазкур шартномани тузиш, бажариш, ўзгартириш ва бекор қилиш вақтида тарафлар ўртасида келиб чиқадиган низолар, шунингдек етказилган заарни қоплаш тўғрисидаги низолар қонун хужжатлари белгиланган тартибда иқтисодий суд томонидан кўриб чиқилади.

7-боб. Форс-мажор

25. Томонлар ушбу Шартнома бўйича мажбуриятлар қисман ёки тўлиқ бажарилмаганлиги учун, агар ушбу бажармаслик Шартнома тузилгандан кейин пайдо бўлган, енгиб бўлмайдиган куч, яъни фавқулодда ва муайян шароитларда олдини олиб бўлмайдиган вазиятлар (форс-мажор) оқибати хисобланса, жавобгарликдан озод қилинади.

26. Енгиб бўлмайдиган куч ҳолатига ҳавола қилувчи Томон бошқа Томонни бундай ҳолатлар бошланганлиги ва тамом бўлганлиги тўғрисида икки кун ичидаги ёзма шаклда хабардор қилиши шарт. Ушбу муддат ичидаги хабар бермаган Томон мазкур Шартнома бўйича ўз мажбуриятларини бажармаганлиги учун жавобгарликдан озод қилиш асоси сифатида кўрсатишга ҳақли эмас.

Форс-мажор ҳолатларига сув тошқинлари, ер қимираши ва бошқа табиий ҳалокатлар, шунингдек эпидемиялар, ёнғинлар, портлашлар, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг мазкур Шартнома ижросига бевосита таъсир кўрсатган қарорлари киради.

27. Мазкур Шартнома бўйича мажбуриятларни бажариш муддати енгиб бўлмас куч ҳолатлари амал қилган даврга мутаносиб равишда кечиктирилади. Агарда форс-мажор уч ой давом этса Томонлар мазкур Шартномани бир томонлама бекор қилишга ҳақли.

8-боб. Якуний қоидалар

28. Мазкур Шартнома имзоланган кундан бошлаб кучга киради.

29. Мазкур Шартномага ҳар қандай ўзгартириш ва қўшимчалар ёзма шаклда тузилгanda ҳамда Буюртмачи ва Ижрочининг вакиллари томонидан имзоланган тақдирда хақиқийdir.

Томонлар мазкур шартномани ўзгартириш ёки бекор қилиш хақидаги тақлифга иккинчи тарафдан рад жавоби олганидан кейингина ёки ўттиз кунлик муддатда жавоб олмаганидан кейин, шартномани ўзгартириш ёки бекор қилиш тўғрисидаги талабни судга тақдим этиши мумкин.

30. Шартноманинг амал қилиш муддати куйидагича белгиланади:

хўжалик юритувчи субъектлар бўйича — Томонлар тарафидан имзоланган кундан бошлаб, Томонлар ўз мажбуриятларини тўлиқ бажаргунига қадар.

Бюджет ташкилотлари ва бюджет маблағлари олувчилари бўйича —белгиланган тартибда ғазначилик бўлинмаларида рўйхатдан ўтказилган кундан бошлаб **2022 йилнинг 31 декабрь** куни охиригача

Буюртмачи хўжалик юритувчи субъект бўлган тақдирда Буюртмачи мазкур Шартномани бекор қилиш ҳақида Ижрочига Шартнома муддати тугашидан 30 кун олдин маълум қилмаса, мазкур Шартноманинг амал қилиш муддати худди шу муддатга ва худди шу шартларда узайтирилган хисобланади.

31. Агар техник қўриқлаш воситалари Буюртмачининг айби билан ишдан чиқкан, капитал ёки жорий таъмирашни талаб қилса, бироқ Буюртмачи буни рад этса, Ижрочи Буюртмачига етти кун олдин ёзма маълум қилган ҳолда алоҳида объектларни кўриқлашни рад этиши мумкин.

объектга бегона шахсларнинг кириб кетганлиги аниқланганда зудлик билан Буюртмачининг вакилини чакириш ва объектнинг дахлсизлигини таъминлаш; ёнгидан кўриқлаш сигнализацияси ишлаб кетган холатларда сигнализациянинг ишлаб кетиш сабабларини аниқлаш ва объектни қайта топшириш учун Буюртмачи вакилини чакириши, текшириш натижалари ва объектни қайта топшириш бўйича икки нусхада далолатнома тузиш;

Ижрочининг ходимлари томонидан хизматни ташкил қилиш ва амалга ошириш, кўриқлаш турларига мос бўлган кийим-бош, кийим-бош анжомлари (экипировкаси), курол-аслаҳарининг мавжудлигини таъминлаш;

объектни кўриқлашга қабул қилганда ва топширганда объектдаги техник мустаҳкамлик бўйича ва қўриқлашнинг техник воситалари билан боғлиқ аниқланган барча камчиликлар хакида Буюртмачини хабардор килиш;

Буюртмачи билан биргаликда хар чоракда камида бир марта объектнинг техникавий жиҳатдан мустаҳкамлигини, кўриқлашнинг техник воситалари билан таъминланишини, жумладан ёнгидан кўриқлаш сигнализациясини текшириш кўригини ўтказиш, Буюртмачи томонидан аниқланган камчиликларни бартараф этиш муддатлари хамда Ижрочини бу ҳакда хабардор қилиш муддати ва тартибини кўрсатган ҳолда томонларнинг вакиллари иштирокида икки нусхада далолатнома тузиш;

Ижрочи томонидан мазкур Шартнома талабларининг хар бир бузилиши бўйича Ижрочи ва Буюртмачининг вакиллари иштирокида икки нусхада далолатнома тузиш ва бир нусхасини Ижрочининг раҳбарига тегишли чоралар кўриш учун бериш;

кўриқланётган хоналар бузилганлиги ёки мулкка етказилган зарар тўғрисида Миллий гвардия кўриқлаш хизмати навбатчилик қисмiga, худудий ички ишлар органининг навбатчилик қисмiga хамда Буюртмачига зудлик билан хабар бериш, Миллий гвардия ва ички ишлар органи вакиллари этиб келгунга қадар ҳодиса юз берган жойнинг дахлсизлигини таъминлаш.

5-боб. Томонларнинг жавобгарлиги

17. Мазкур Шартноманинг 11-бандида кўрсатилган сумманинг Буюртмачи томонидан ўз вақтида тўламаганлиги учун Буюртмачи Ижрочига ўтказиб юборилган хар бир кун учун кечикирилган тўлов суммасининг 0,4 фоизи микдорида, аммо кечикирилган тўлов суммасининг 50 фоизидан ортиқ бўлмаган микдорда пеня тўлайди.
18. Ижрочининг ходими постда ва патрул йўналишларида бўлмаганида Ижрочи Буюртмачига хар бир кун учун мажбурият бажарилмаган қисмининг 0,5 фоизи микдорда пеня тўлайди, бироқ бунда кўрсатилмаган хизматлар баҳосининг 50 фоиздан ошиб кетмаслиги лозим.
19. Пеняни тўлаш Буюртмачи ва Ижрочини ўз мажбуриятларини бузиш оқибатида етказилган зарарни қоплашдан озод этмайди.
20. Ижрочи мазкур Шартномада кўрсатилган мажбуриятларини лозим даражада бажармаганлиги натижасида Буюртмачига етказилган зарар учун моддий жавобгар бўлади. Ижрочининг айби билан зарар етказилганлиги аниқланган ҳолларда зарар тўлиқ микдорда қопланади.
21. Ижрочининг айби билан етказилган зарарнинг микдорини аниқлаш учун томонлар вакилларидан иборат комиссия тузилиши мумкин. Бунда, зарар микдори тегишли хужжатлар билан расмийлаштирилиб, комиссия аъзолари томонидан тасдиқланади. Низо мавжуд бўлган тақдирда зарар микдори суднинг карори билан аниқланади.
22. Куйидаги ҳолларда Ижрочи зарарни қопламайди:
 - ижрочи шартномаа кўрсатилган мажбуриятларни тўлиқ бажарган бўлишига қарамасдан зарар учинчи шахсларнинг жиной ҳаракатлари натижасида етказилган бўлса ва бу суднинг конуний кучга кирган карори билан тасдиқланса;
 - қабул қилиш-топшириш журналида қайд этилмаган мулкка зарар етказилганда буюртмачининг ходимлари томонидан ёки уларнинг айби билан зарар етказилганда.

тадбирларнинг ўтказилиши ҳақида Ижрочини бундай ишларнинг бошланишидан камида 30 кун олдин огоҳлантириш;

объектда иш куни якунида кўриқлаш сигнализациясини ёкиш, унинг носозлиги ҳолатида бу ҳақда Ижрочини огоҳлантириш ва носозлик бартараф этилмагунга қадар объектни ташлаб кетмаслик ва белгиланган тартибда кўриқлашга топшириш. Объектни кўриқлашга топширганлик ҳақида ТҚПни хабардор қилиб, 5 дақиқадан сўнг объектнинг кўриқлашга қабул қилинганилиги ҳақида ишонч ҳосил қилиш;

объектни, ёнгиндан кўриқлаш сигнализацияси билан жиҳозланган ҳар бир алоҳида хонани кундалик кўриқлашга топшириш, эшиклар қулфи, деразалар, дарчалар, люклар, вентиляция тешиклари ёпилганлигини ҳамда автоном кўриқлаш сигнализациясини ва ҳудуднинг ёритилиш ҳолатини текшириш, кўриқланадиган биноларда электр жиҳозларининг, бошқа ёнгин манбаларининг ёкилган ҳолда қолиб кетишининг олдини олиш ва бегона шахсларнинг объектда қолишига йўл қўймаслик;

кўриқланадиган ҳудудда бинодан ташқарида жойлашган моддий қимматликларнинг миқдори, ассортименти, ўралган ёки қадоқланган ҳолатда қайта ҳисоб-китоб асосида қабул қилиш-топшириш журналида рўйхатдан ўтказган ҳолда ҳамда Ижрочи ва Буюртмачи вакиллари томонидан имзоланган ҳолда кўриқлашга топшириш;

махсус журналда ўз вакили томонидан имзо қўйиш йўли билан объектларни, алоҳида хоналарни кўриқлашга топшириш, кўриқлаш тугагандан сўнг кўриқлашдан чиқариш;

кўриқланадиган хоналарнинг бутунлиги бузилганлиги ҳақида ёки объектга бегона шахсларнинг кириши натижасида зарар етказилганлиги аломатлари мавжуд бўлганда зудлик билан Ижрочини хабардор қилиш ва объектга Ижрочи вакили етиб келгунига қадар кўрсатилган жойларнинг дахлсизлигини таъминлаш;

бегона шахсларга кўриқлаш ва сигнализация тамойиллари ва тизимини, шунингдек берилган пульт ракамларини ошкор қилмаслик;

Ижрочи вакилларини объектдаги ички тартиб ва техника хавфсизлиги қоидалари билан уларнинг ўз вазифаларини бажаришига оид қисми билан таништириш.

15. Ижрочининг ҳуқуқлари:

Буюртмачидан объектда ўрнатилган кириш-чиқиш ва ички тартибга риоя қилинишини талаб қилиш;

мазкур шартномани тузиш, бажариш, ўзгартириш ва бекор қилиш муносабати билан зарур бўлган маълумотномалар ва бошқа ҳужжатларни сўраш ва олиш;

кўздан кечириш далолатномасида кўрсатилган кўриқлаш-техника воситаларини жорий қилиш бўйича Буюртмачига тавсиялар бериш.

16. Ижрочининг мажбуриятлари:

объектда постлар дислокациясига (патрул йўналишига) мувофиқ кўриқлаш нарядини жорий этиш;

мазкур Шартномада ва унинг иловаларига мувофиқ объектни ҳамда кўриқлашга топширилган моддий қимматликларни кўриқлашни ташкил этиш ва таъминлаш;

кўриқланадиган ҳудуддаги, лекин бинодан ташқарида жойлашган моддий қимматликларнинг миқдори, ассортименти, ўралган ёки қадоқланган ҳолатини текшириб, қайта ҳисоб-китоб асосида қабул қилиш-топшириш журналида рўйхатдан ўтказган ҳолда ҳамда Ижрочи ва Буюртмачи вакиллари томонидан имзоланган ҳолда қабул қилиб олиш;

объектда кириш-чиқиш ва объект ички тартибига риоя этиш, объект ҳудудига белгиланган тартибда моддий қимматликлар олиб кирилиши ва чиқилишини назорат қилиш;

пропуск режими мавжуд бўлган объектларда кун давомида назоратдан ўтказиш пунктидан бир марталик кириш рухсатномаси билан объектга киритилган ташриф буюрувчиларнинг чиқиб кетишини таъминлаш;

объектни кўриқлаш вақтида жойдаги ёнгин хавфсизлиги қоидаларининг бажарилишини таъминлаш;

объектда ёнгин чиқиши ёки ёнгиндан кўриқлаш сигнализациясининг ишлаб кетиши ҳолатида зудлик билан ёнгин бўлимига ёки Буюртмачига хабар бериш;

3-боб. Тўловларни амалга ошириш

9. Мазкур Шартнома асосида кўрсатиладиган хизматлар нархи белгиланган тарифлар асосида қўшимча тасдиқланадиган тўлов сметаси асосида белгиланиб, ушбу тўлов сметаси ушбу шартноманинг ажралмас қисми ҳисобланади.

10. Ижрочи хизматлари учун тўловларга ўзгартиришлар киритиш конун хужжатларига мувофиқ ушбу хизматлар турига янги тарифлар тасдиқланган ҳолларда қайта кўриб чиқилади.

11. Буюртмачикейинги ой бошланишидан 10 кун олдин ойлик тўловнинг 100% миқдоридаги пулни Ижрочининг ҳисоб ракамига ўтказиб беради.

12. Хўжалик юритувчи субъект ҳисобланган Буюртмачи мазкур Шартноманинг 11-бандида кўрсатилган ойлик тўловни ўз вақтида тўламаса, Ижрочи Буюртмачига акцептсиз тўлов талабномасини тақдим қилишга ҳақлидир. Мазкур Шартнома бекор қилинган ҳолларда Ижрочи Буюртмачи билан тўланган тўловлар бўйича қайта ҳисоб-китобни амалга ошириши зарур.

4-боб. Томонларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари

13. Буюртмачи қўйидаги ҳуқукларга эга:

Ижроидан белгиланган кўриқлаш тартибига риоя этишини талаб қилиш;

хизмат кўрсатиш жараёнида Ижрочининг ходимлари томонидан интизомни бузиш ҳолатларини тўхтатиш ва йўл қўйилган камчиликларни бартараф қилиш бўйича керакли чоралар кўрилишини Ижроидан талаб қилиш;

Ижрочининг хизматни ташкил қилиши ва амалга оширишини, кўриқлаш турларига мос бўлган кийим-бош, кийим-бош анжомлари (экипировкаси), курол-аслаҳаларининг мавжудлигини назорат қилиш;

Ижроидан мазкур Шартнома шартлари бузилишининг ҳар бир ҳолати бўйича Ижрочининг вакили иштирокида икки нусхада далолатнома тузиш;

Ижрочининг айби билан йўл қўйилган камчиликлар аниқланган тақдирда Ижроидан уларни бартараф этишини талаб қилиш;

Ижроидан мазкур Шартнома талаблари бажарилмаган ёки лозим даражада бажарилмаганлиги натижасида етказилган зарарни ундириш.

14. Буюртмачининг мажбуриятлари:

мазкур Шартноманинг ажралмас қисми ҳисобланган кўздан кечириш далолатномасига асосан кўриқлашга топшириладиган объекtni, алоҳида хоналарни техник мустаҳкамлаш бўйича тадбирларни бажариш, ўз ҳисобидан техник кўриқлаш воситалари (объектнинг турига қараб пост қурилмалари ва уни иситиш ускуналари, постлараро алоқа, ички ва шахар телефонлари, ёнгидан кўриқлаш сигнализацияси, объект периметри бўйлаб керакли ёритиш воситалари, кулфлар, турникет, кузатиш майдончаси, шахсий текшириш хоналари, ишчи ва хизматчиларнинг шахсий буюмларини саклаш хоналари, ёнгин ўчирувчи воситалар ва бошқалар) билан жиҳозлаш ва зарур ҳолларда уларни таъмирлаш;

ҳар қандай моддий қимматликларни объект худудининг девор тўсигидан 4 (тўрт) метр узоқлиқда (объект жойлашувини ҳисобга олган ҳолда) жойлаштириш;

Ижроидан билан биргаликда ҳар чоракда камида бир марта объектнинг техник мустаҳкамлигини, кўриқлашнинг техник воситалари билан таъминланганини, шу жумладан ёнгидан кўриқлаш сигнализацияси ҳолатини текшириш кўригини ўтказиши, аниқланган камчиликларни бартараф этиш муддатлари, Ижроини бу ҳақда хабардор қилиш муддати ва тартибини кўрсатган ҳолда Томонларнинг вакиллари иштирокида далолатнома тузиш;

белгиланган кўриқлаш режими талабларини бажариш ва техник кўриқлаш воситаларининг тегишли ҳолатини таъминлаш;

бинода режалаштирилаётган капитал таъмирлаш ишлари, объектларни қайta жиҳозлаш, иш режимини ва ишлар профилини ўзгартириш, моддий қимматликларни саклаш жойини ўзгартириш ёки янгиларини очиш, объект ёки унинг бир қисмини бошқа шахсларга ижарага бериш ёки мулк ҳуқуқини ўтказиши, кўриқлаш турини, постлар дислокациясини ўзгартириш ёки қўшимча кўриқлаш сигнализацияси воситаларини ўрнатиш бўйича

Қўриқлаш хизмати қўрсатиш бўйича ШАРТНОМА

Тошкент вилояти.

109-сон

2022 йил «24» январь.

Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси Қўриқлаш бош бошқармаси Тошкент вилояти Қўриқлаш бошқармаси номидан Низом асосида фаолият юритувчи бошқарма бошлиғи М.М.Мирзабеков (кейинги ўринларда «Ижрочи» деб юритилади) бир томондан, Ўзбекистон Республикаси Суд- тиббий экспертиза илмий амалий маркази Тошкент вилояти филиали номидан Низом асосида фаолият юритувчи ижрочи директори F.Б.Шодиев (кейинги ўринларда «Буюртмачи» деб юритилади) иккинчи томондан, биргаликда «Томонлар» деб юритилади, мазкур Шартномани қуидагилар ҳақида туздилар:

1-боб. Шартнома предмети

1. Ижрочи Миллий гвардия қўриқлаш хизмати ҳарбийлаштирилган соқчилик қўриқлаш тури кўринишида Буюртмачининг мулкини қўриқлаш хизматини қўрсатиш мажбуриятини, Буюртмачи эса мазкур Шартнома шартларига асосан ўз вақтида қўрсатилган хизмат учун тўловларни амалга ошириш мажбуриятини олади.

2-боб. Умумий шартлар

2. Буюртмачи Тошкент вилояти , Қибрай тумани Янгибод Қ.Ф.Й., Алишеробод кўчасида жойлашган Ўзбекистон Республикаси Суд- тиббий экспертиза илмий амалий маркази Тошкент вилояти филиали худудини 1 (бир) та 24 соатли (09-00дан 09-00гача) ҳарбийлаштирилган соқчилик пости орқали дамолиш кунисиз кейинги ўринларда объект деб юритилади) Ижрочига топширади, Ижрочи қабул қиласди.

3. Объектнинг қўриқлаш чегаралари (иморатлари, қурилмалари), постларининг жойлашуви чизма-режада қўрсатилади ва мазкур Шартномага илова қилинади ҳамда унинг ажралмас қисми ҳисобланади.

4. Объектдаги кириш-чиқиш, ички объект режими Буюртмачи томонидан тасдиқланадиган кириш-чиқиш ва ички объект режимини ташкил этиш йўрикномасига мувофиқ амалга оширилади ҳамда мазкур Шартномага илова қилиниб унинг ажралмас қисми ҳисобланади.

5. Объектни техник қўриқлаш воситалари билан жиҳозлаш ва таъмирлаш Буюртмачи томонидан амалга оширилади, техник қўриқлаш воситалари Ижрочининг айби билан ишдан чиқкан холлар бундан мустасно. Объектни ёнғиндан қўриқлаш ва хавф-хатар сигнализацияси билан жиҳозлаш чизмаси мазкур Шартномага илова қилинади ҳамда унинг ажралмас қисми ҳисобланади.

6. Объектни қўриқлашда Буюртмачи билан келишилган ҳолда соқчи итлардан фойдаланиш мумкин.

7. Мазкур Шартнома кучга кирган кундан бошлаб, объектга Буюртмачи билан Ижрочи ўзаро келишган ҳолда Миллий гвардия қўриқлаш хизмати ҳарбийлаштирилган соқчилик қўриқлаш тури йўлга қўйилади, объектга ҳарбийлаштирилган соқчилик пости қўйилган вақтдан бошлаб объект қўриқка олинган ҳисоблануб, қўриққа олиш далолатномаси тузилган вақтдан бошлаб шартнома бўйича тўловлар йўлга қўйилади.

8. Буюртмачи кўздан кечириш далолатномасида қўрсатилган талабларни бажармагандан Ижрочи қўйилмайди, қўйилган Ижрочи эса чақириб олинади.

«ТАСДИКЛАЙМАН»

Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси
Кўриклаш бошкармаси Тошкент вилояти
Кўриклаш бошкармаси бошлиғи



М.М.Мирзабеков

2022 й.

Ўзбекистон Республикаси Суд-тиббий экспертиза илмий-амалий маркази Тошкент вилояти филиалини кўриклаш учун кўриклаш ходимларга кетадиган сарф харажатлар

ХИСОБ ВАРАКАСИ

(УзРМГ нинг 2021 йил 01 сентябрь тарифига асосан)				
t/p	Кўриклаш тури	Объект номи	Бир кунлик иш куни	Бир ойлик кўриклаш вакти
1.	Харбийлаштирилган соқчиллик пости	Ўз.Рес. Суд-тиббий экс. илмий-амалий маркази Тош. вил. филиали	1 та пост 24 соатли	730 соат
ЖАМИ				730 x 30 209
Бир ойга: 22 052 570-00 (Йигирма икки миллион эллик икки минг беш юз етмиш) сўм 00 тийин				22 052 570

Хизмат кўрсатиш нархлари ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси хамда Молия вазирлиги томонидан тасдиқланган таърифлар асосида белгиланади.

Ўз РМГ Тошкент вилояти Кўриклаш бошкармаси Молия-Иктисад бўлими бошлиғи

боп хисобчи

«РОЗИМАН»

Ўзбекистон Республикаси Суд-тиббий экспертиза илмий-амалий маркази Тошкент вилояти филиали
директори



« 24 » 24.09.2022 й.